

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

285 Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида

Мамлакатда давлат бошқарувини такомиллаштириш ҳамда демократлаштириш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш, ҳудудларни комплекс ривожлантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ушбу жараёнда прокуратура органлари томонидан қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш, жамиятда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда.

Шу билан бирга, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг самарали рўёбга чиқарилиши — мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, демократик, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларини сўзсиз ижро этиш учун прокуратура органларининг куч ва имкониятларини тўлиқ сафарбар қилишни тақозо этади.

Шу каби, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва янги вазифалари прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишни, шу жумладан, қонунийлик аҳволини тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ҳудудларни комплекс ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигига салбий таъсир этувчи ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш борасидаги фаолиятни янада такомиллаштиришни талаб этади.

Прокуратура органларининг қонунчилик ижросини таъминлаш борасидаги масъулиятини янада ошириш ҳамда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини сўзсиз амалга ошириш мақсадида:

1. Жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда демократик, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни рўёбга чиқаришга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг сўзсиз ижро этили-

ши устидан самарали назоратни амалга ошириш орқали «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» прокуратура органларининг устувор вазифаси этиб белгилансин ва бунда:

биринчидан, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини сўзсиз бажаришни, амалга оширилаётган ислохотларга тўсиқ бўлувчи омиллар ва тизимли камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этишни;

иккинчидан, тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни;

учинчидан, аҳоли билан тўғридан-тўғри очиқ мулоқот ўрнатишни, фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида ҳал қилишни, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини оширишни, жамиятда қонун бузилишига нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантиришни;

тўртинчидан, профилактика тадбирларининг, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги тадбирларнинг таъсирчанлигини, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этишни;

бешинчидан, кам таъминланган оилаларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилишни, янги иш ўринлари яратиш дастурларини амалга оширишни, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни ўз вақтида тўлашни;

олтинчидан, малакали тиббий ёрдам кўрсатишни, аҳолига арзон дори воситалари етказишни, таълим жараёнининг сифати ва таълим муассасаларида ўқувчилар давоматини ҳамда уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишни;

еттинчидан, фуқароларга арзон уй-жой ажратишни, уй-жой сотиб олиш учун, биринчи навбатда, ёш оилалар, етим болаларга кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятини яратишни, сифатли коммунал хизмат кўрсатиш ва ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширишни;

саккизинчидан, табиий ресурслар, ер майдонларидан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлашга асосий эътибор қаратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тузилмасида:

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси негизида Ижтимоий қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси;

Давлат ва хўжалик бошқарув органлари ҳамда жойлардаги ижро ҳокимияти органларида қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси негизида Иқтисодий қонунчилик ижроси устидан назорат бошқармаси ташкил этилсин.

3. Қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш муаммоларини таҳлил қилиш соҳасидаги фаолиятни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш учун масъул бўлган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари лавозими жорий этилсин.

4. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг янгиланган ташкилий-штат тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг янгиланган ташкилий-штат тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ва Ҳарбий прокуратура маҳкамасининг янгиланган ташкилий-штат тузилмалари 3 ва 4-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Прокуратура органлари бошқарув ходимларининг умумий сони 4 324 нафар (ҳарбий прокуратурадан ташқари), шу жумладан, Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти бошқарув ходимларининг умумий сони 1076 нафар этиб белгилансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига, зарур ҳолларда, прокуратура органлари, шу жумладан, Ҳарбий прокуратура ва Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг ташкилий-штат тузилмаларига белгиланган умумий штатлар сони доирасида ўзгартишлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

6. Прокуратура органлари ходимларига бериладиган узоқ муддатли ипотека кредитларини қайтариш уч йиллик имтиёзли давр билан амалга оширилиши, мазкур давр мобайнида кредитлар бўйича фақат фоизлар тўланиши тартиби ўрнатилсин.

7. Мазкур Фармонни бажариш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилсин.

8. Адлия вазирлиги Бош прокуратура ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бош прокуратураси ва Мудофаа вазирлиги бир ой муддатда мазкур Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ҳамда Ҳарбий прокуратурасининг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалига ўзгартиришлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПҚ–2036-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомга 5-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатлари 6-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси бир ой муддатда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу Фармонга мувофиқлаш-тирсин.

13. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Респуб-

285-модда

— 8 —

17 (777)-сон

ликасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси О.Б. Муродов зиммасига юклансин.


**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 18 апрель,
ПФ-5019-сон

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5019-сон Фармониغا
1-ИДЛОВА


**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
ТАШКИЛИЙ-ШТАТ ТУЗИЛМАСИ**



Прокурор-тергов ходимларининг жами штат бирлиги — 244.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 18 апрелдаги ПФ–5019-сон Фармонида
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ, валютага оид
жиноятларга ва жиний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг
ТАШКИЛИЙ-ШТАТ ТУЗИЛМАСИ**



Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги
ПФ-5019-сон Фармонида
3-ИЛОВА


**Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасининг
ТАШКИЛИЙ-ШТАТ ТУЗИЛМАСИ**



| Прокуратура номи | Жами | Генераллар | Офицерлар |
|--------------------------------|------------|------------|------------|
| Ўзбекистон Республикаси | 45 | 1 | 44 |
| Ҳарбий прокуратураси маҳкамаси | 120 | - | 120 |
| Ҳарбий прокуратуралар | 165 | 1 | 164 |

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги
ПФ—5019-сон Фармонида
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси апаратининг
ТАШКИЛИЙ-ШТАТ ТУЗИЛМАСИ**



Ҳарбий прокуратура маҳкамасининг жами ходимлари — 45 нафар,
шундан генераллар — 1 нафар, офицерлар — 44 нафар.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги
ПФ-5019-сон Фармониغا
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва
муассасаларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 6-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Алоҳида ҳолларда, иқтисодиёт, молия, социология, ахборот-коммуникация технологиялари ва бошқа соҳаларда олий маълумотга, етарли билим ва иш тажрибасига эга бўлган мутахассислар прокуратура органларига хизматга қабул қилиниши мумкин».

2. 14-банднинг олтинчи хатбошисидаги «хўжалик низолари» сўзлари «иқтисодий судларда ишлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. 15-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, зарур ҳолларда, прокуратура органлари, шу жумладан Ҳарбий прокуратура ва Департаментнинг ташкилий-штат тузилмаларига белгиланган умумий штат сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эга».

4. 26-банд қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Прокуратура органларининг амалдаги кадрлар захирасига киритилган ва унда бўлган Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ходимларига даражали унвонлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг тегишли таркибий тузилмаси раҳбарининг тавсияномасига асосан берилади».

5. 37-банд:

а) қуйидаги мазмундаги ўн учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«I, II, III даражали «A'lo xizmatlari uchun» кўкрак нишони билан тақдирлаш»;

б) ўн учинчи — ўн еттинчи хатбошилар тегишлича ўн тўртинчи — ўн саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

6.39-банднинг учинчи хатбошиси «Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг Фахрий ходими» сўзларидан кейин «I, II, III даражали «A'lo xizmatlari uchun» сўзлари билан тўлдирилсин.

7. 81¹-банд:

а) қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«Алоҳида ҳолларда, бошқа давлат органлари ва ташкилотларига ишга ўтган прокуратура органи ходими Бош прокуратуранинг аттестация комиссияси таклифига асосан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан прокуратура органларининг амалдаги кадрлар захирасига киритилиши мумкин»;

б) иккинчи хатбошиси учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) учинчи хатбошисидаги «ушбу банднинг биринчи хатбошисида» деган сўзлар «ушбу бандда» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

8. 82-банд қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«82. Прокуратура органларининг амалдаги кадрлар захирасига киритилган ва унда бўлган прокуратура органлари ходимларига уларнинг бошқа давлат органларидаги ваколат муддатлари тугаганидан сўнг, прокуратура органларида муқаддам эгаллаган ёки унга тенг лавозим берилиши кафолатлари таъминланади, ходимнинг эгаллаб турган лавозимига нолойқлиги ёки соғлиғи ҳолатига ёхуд меҳнат (хизмат) мажбуриятларини бажармаганлиги учун меҳнат фаолияти тугатилган ҳоллар бундан мустасно».

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2017йил 18 апрелдаги
ПФ–5019-сон Фармони
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини
йўқотган айрим ҳужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 24 июлдаги «Қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4636-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 8 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим Фармонлари ва қарорларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ПФ–4815-сонли Фармонининг 1 — 3-бандлари ҳамда унга 1 — 4-иловалар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ва қарорларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2016 йил 8 августдаги ПФ–4815-сон Фармонига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги ПФ–4981-сон Фармони.